

ХТБ инср

120/22 - сон

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу эсумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Яккабоғ т.

2022 йил "31" *Август*

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 4 январдаги 27-01-14/29-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоров (Яккабоғ ТКБ бошлиғи А.А.Рахматов.) (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Valis To'vinkin номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи У.Нурмағом (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққалигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцентини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан такдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз таълоvidан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан таъланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни такдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустафо) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорда оддиндан тўланади, дастлабки аванс тўловни оддиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан таъланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир таъланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий сўммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан таъланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий сўммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) 6330000 *алими миқ. 42 юз 97 миң 970 руб. 00 коп.* ташкил этади. Ушбу сўмма 110000 *алими миқ. берил. 42 юз 97 миң 970 руб. 00 коп.*

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий сўммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сўмма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/такдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мажбур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва такдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмагани, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмалигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исалмаган тўловларнинг оддини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрый равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар факт Оператор хизматлари учун тўлапиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўламайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан такдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада такдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан такдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар

тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарий ойда тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузагишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг базасин сальбий бўлганда **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларини бажармагани учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий сулида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муроғасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродасин ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг Ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўришишидаги мурожаати кўни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб, кучга киради ва 20 ²² йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 ²² йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар Ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусxada расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали Яккабоғ Телекоммуникация боғламаси Манзил: Яккабоғ шаҳри, А.Темур кучаси Банк маълумотлари: х.р: 20 210 000 504 071 838 334; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401 – АТ “Алоқабанк” Қашқадарё филиали Тел: 75 582-52-74; E-mail: qashTel@uztelecom.uz.	<i>Яккабоғ мусман ЖШБ</i> Манзил: <i>Яккабоғ мусман. А. Темур</i> Банк маълумотлари: х.р: <i>100022860102507096300025004</i> СТИР: <i>206</i> МФО: <i>00001</i> Тел: <i>1155521114</i> E-mail:
Оператор номинини: Бошлиқ <i>[Signature]</i> А.А.Раҳматов Ф.И.Ш. м.ў.	Абонент номинини: <i>[Signature]</i> У. Нурматов Ф.И.Ш. м.ў.

120/22 2022 йил 31 - декабрь
 - сонли абонент шартномасига
 1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	КҚС билан на рхи (микдори)	Асос	Микдо ри	15% КҚС билан Тўлов ми кдори. (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бирмаргалик тўловлар					
1.2	Харбируланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	—	Нархнома	—	—
II. Хар ойлик абонент тўловлари					
2.1	_____ тариф режаси бўйича Мб/с тезлигида маълумотлар узатиш тармоғига қириш	6330000	Нархнома	1	6330000
2.2	_____ тариф режаси бўйича Мб/с тезлигида маълумотлар узатиш тармоғига қириш	—	Нархнома	—	—
Жами (олдиндан тўлов)					

Жами олдиндан тўлов миқдори 2110000 (икки миллион бир юз ўн минг) сўм.
 шу жумладан, КҚС 15% миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 6330000 (олти миллион уч юз ўн минг) сўмни ташкил этади. Ундан 2110000 (икки миллион бир юз ўн минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____ сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
 "Ўзбектелеком" АК
 Кашкадарё филиали
 Яккабоғ Телекоммуникация боғламаси

АБОНЕНТ:
 Яккабоғ Дарёга тоқилган Бунёми

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Бошлик А.Раҳматов

З.Нурмотов

М.ў.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi:

Xizmat ko'rsatish shartnomasi;

2. Loyihaning nomi:

Yakkabog' tuman Xalq ta'limi bo'limi va «Uzbektelekom» AK Qashqadaryo filiali o'rtasida tuzilgan 6 330 000 (Olti million uch yuz o'ttiz ming) so'mlik Xizmat ko'rsatish shartnomasi;

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Yakkabog' tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan markazga 27 yanvar 2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti

«31.01.2022y»



J.T.Almardonov